



**Ўзбекистон Республикаси номидан  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

**24.03.2023 йил**

**Дўстлик шаҳри 4-1304-2302/572-сонли иш**

Дўстлик туманлараро иқтисодий судининг судьяси О.Эргашев раислигида, А.Исожоновнинг котиблигида, даъвогар Мастер агротекст фермер хўжалиги манфаатида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Пахтакор туман кенгашининг, жавобгар Пахтакор олтин бошоқлари масъулияти чекланган жамиятидан 144.021.684 сўм асосий қарз ва 72.010.842 сўм пеняни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни Кенгаш вакили Б.Улуков (ишончнома асосида), даъвогар вакили О.Икромов (раҳбар)ларнинг иштирокида, Дўстлик туманлараро иқтисодий суди биносида ўтказилган очик суд мажлиси муҳокамасида, иш ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и :**

Мастер агротекст фермер хўжалиги (кейинги ўринларда даъвогар) ва Пахтакор олтин бошоқлари масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда жавобгар) ўртасида 2022 йил ғалла ҳосили учун бошоқли дон харид қилиш бўйича фьючерс шартномаси тузилган.

Мазкур шартноманинг 1.1 ва 1.2-бандларига кўра даъвогар жавобгарга 2022 йил ҳосилидан давлат стандартлари бўйича 272,1 тонна буғдой бошоқли дон маҳсулотини топшириш, жавобгар эса даъвогарни шартномада белгиланган тартибда бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш (ғалла етиштириш билан боғлиқ бошқа харажатларни қоплаш), етиштирилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятларини олган.

Шартнома шартларига мувофиқ даъвогар томонидан жавобгарга 229 тонна 800 кг бошоқли дон топширилган.

Бироқ, жавобгар шартнома бўйича мажбуриятини лозим даражада бажармаган, яъни топширилган маҳсулот учун тўловни тўлиқ амалга оширмаганлиги сабабли жавобгарнинг даъвогар олдида 144.021.684 сўм миқдоридаги қарздорлик юзага келган.

Даъвогарнинг қарздорликни тўлаб бериш тўғрисидаги талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Натижада даъвогар манфаатида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Пахтакор туман кенгаши судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгардан 144.021.684 сўм асосий қарз ва 72.010.842 сўм пеняни ундиришни сўраган.



Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган Кенгаш вакили даъво аризасидаги асос ва важларни қувватлаб, даъвогар фермер хўжалиги раҳбари Кенгашга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгардан қарздорликни ундиришда амалий ёрдам беришни сўраганлигини ҳамда даъвогар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида судга даъво аризаси киритилганлигини маълум қилиб, даъво талабларини қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган даъвогар вакили тушунтириш бериб, даъво талабларини қувватлаб, даъво аризасини қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлса-да, бугунги суд мажлисида иштирок этмади, даъво аризаси юзасидан фикр билдирмади.

Мазкур ҳолатда суд, низо юзасидан қарор қабул қилиш учун асослар етарли эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейинги матнларда “ИПК” деб юритилади)нинг 170-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, қуйидагиларга асосан даъвони қисман қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 234-моддасига кўра, мажбурият — фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодекста кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Мазкур ҳолда мажбурият тарафлар ўртасида тузилган фьючерс шартномасидан келиб чиққан.

ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши кераклиги белгиланган.

Ушбу кодекс 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Даъво аризасида жавобгардан даъвогар фойдасига 144.021.684 сўм асосий қарзни ундириш сўралган бўлиб, ушбу қарздорлик ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг тушунтиришлари ва судга тақдим этилган далиллар билан ўз тасдиғини топади.

Шу сабабли суд даъво талабининг асосий қарзни ундириш қисмини тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига 144.021.684 сўм асосий қарзни ундиришни лозим деб топади.



Шунингдек, даъво талабида даъвогар фойдасига жавобгардан 72.010.842 сўм пеняни ундириш сўралган.

ФКнинг 263-моддасига кўра, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 4.2-бандида маҳсулот ҳақини тўлашдан асоссиз бўйин товлаганлиги учун жавобгар даъвогарга тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлаши белгилаб қўйилган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартномада қабул қилинган бошоқли дон учун якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш муддати келишилмаган.

ФКнинг 242-моддасида агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса — ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлиши, мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шартлиги қайд этилган.

Даъвогар 2022 йил 5 декабрда жавобгарга талабнома юбориб, 144.021.684 сўм қарздорлигини тўлаб беришини сўраган.

Бироқ, жавобгар томонидан етти кун муддат ичида даъвогарга қарздорликни тўлаб берилмаган.

Демак, даъвогарнинг жавобгардан мажбуриятни бажармаганлиги учун пеня талаб қилиш ҳуқуқи 2022 йил 13 декабрдан юзага келган.

Шу боис суд томонидан даъвонинг пеня ундириш талаби қайта ҳисоб-китоб қилинганда, даъво аризасига кўра (2023 йилнинг 16 январига қадар ҳисобланган) ундириш сўралган 72.010.842 сўм пенянинг 20.163.045 сўм ( $144.021.684 \times 0.4 = 576.087 \times 35$  кун) қисми асосли эканлиги аниқланди.

Жавобгар томонидан шартномавий мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаганлиги факти ишдаги мавжуд ҳужжатлар ва суд мажлисида иштирок этган шахслар вакилларининг кўрсатмаси билан тасдиғини топган.

Бироқ, ФКнинг 326-моддасига кўра агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли эканлиги, бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши керак.

Шунингдек, бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сонли Қарорининг 4-бандида ҳам тушунтириш берилган.

Бинобарин, суд иш ҳужжатларини текшириб, даъвогарнинг пеня ундириш талабини муҳокама қилиб, шартнома шартлари жавобгар томонидан лозим даражада бажарилмаганлиги ишдаги ҳужжатлар билан ўз тасдиғини



топганлигини, бироқ даъвогар томонидан ҳам шартномада назарда тутилган миқдордаги бошоқли дон топширилмаганлиги ҳолатлари мавжудлигини ҳисобга олиб, сўралган пеня мажбуриятни бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўришиб турганлиги сабабли, пеня ундириш талабини қисман қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига 6.048.913 сўм миқдорида пеня ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади, олтинчи қисмига кўра эса, агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонунчиликда белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

Юқоридагиларга асосан суд, ишдаги ҳужжатларини ўрганиб, ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, даъво талабларини қисман қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига асосий қарз 144.021.684 сўм, пеня 6.048.913 сўм ундиришни, даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни, ишни судда кўриш билан боғлиқ бўлган суд харажатларини тарафлар ўртасида даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб тақсимлашни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 3-бандига асосан даъвогар давлат божи тўлашдан озод қилинганлигини инобатга олиб, даъвогардан давлат божи ундирмасликни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 113, 118, 176-180 сўм, 186-моддаларига асосланиб, суд

## Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъво талаблари қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар Пахтакор олтин бошоқлари масъулияти чекланган жамиятидан, даъвогар Мастер агротекст фермер хўжалиги фойдасига 144.021.684 сўм асосий қарз ва 6.048.913 сўм пеня ундирилсин.

Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар Пахтакор олтин бошоқлари масъулияти чекланган жамиятидан Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Пахтакор туман кенгашининг фойдасига олдиндан тўланган 30.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар Пахтакор олтин бошоқлари масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджетига 3.283.694 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвонинг асосиз қисми бўйича 1.036.956 сўм давлат божи тўланиши асидан даъвогар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил октябрдаги ПҚ-3318-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари



фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 3-бандига асосан давлат божи тўлашдан озод қилинганлиги инобатга олинсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар бир ой муддат ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судининг апелляция инстанциясига шикоят (протест келтириши) бериши мумкин.

**Судья**

**О.Эргашев**

